

**"Навобй КМК" АЖ томонидан 2024 йил январь-сентябрь ойларида хорижий инвестицияларни ўзлаштириш тўғрисида
ЙИГМА МАЪЛУМОТ**

МЛН.ДОЛЛ.

| № | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Лойиҳанинг умумий киймати | Амалга ошириш муддати | 2024 йил ўзлаштириш прогнози | 2024 йил январь-сентябрь ўзлаштириш | | | | Лойиҳа ҳолати |
|---|---|---------------------------|-----------------------|------------------------------|-------------------------------------|---------------|-------------|--------------|--|
| | | | | | прогноз | кутилиши | (+/-) | бажарилиши % | |
| | Жами "НКМК" АЖ | 3 323.61 | | 688.20 | 612.31 | 613.48 | 1.17 | 100.2 | |
| | шу жумладан: | | | | | | | | |
| | чет эл банклари кредитлари | 3 323.61 | | 688.20 | 612.31 | 613.48 | 1.17 | 100.2 | |
| 1 | «Мурунгов» конини ўзлаштириш (V навбати) 1-босқич | 733.94 | 2016-2026йй. | 20.00 | 15.53 | 15.53 | | 100.0 | Лойиҳа ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 ноябрдаги №907-сонли қарори билан тасдиқланган. Қурилиш ҳолати: "ВЛ 6 кВ электр тармоғини карьер бортига кўчириш" ишлари якунланди. ГПП-9 ва ГПП-5 станцияси қурилиши ишлари олиб борилмоқда. ГПП-9 объектнинг КТПБ2х16000/35/6 трансформатор подстанцияси ускунаси МКБ манзилиги етказилди ва қурилиш майдонига ўрнатилди. ГПП-9 объектнинг кабелларини монтаж қилиш ишлари амалга оширилмоқда. ППК-3 ни кўчириш лойиҳаси доирасида темир йўл қурилиши ишларининг 1-босқичи якунланди ва ишчи ҳайъат далолатномаси расмийлаштирилди. ППК-3ни кўчириш лойиҳаси доирасида (2-босқич) узунлиги 2,554 км бўлган темир йўл қурилиш-монтаж ишлари якунланди. Юг-Порода қурилмасини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Шимолий-Шарқий даврий оқим технологияси лойиҳаси доирасида 5 ва 6-сонли ДППнинг бутобой ускуналари ўрнатилди. Лойиҳа доирасида 1 дона бурғулаш ускунаси Егіос DM75, юриткичлар (приводы), электродвигателлар, редуктор, эл.ускуналар, эл.техник (ПС, ГПП ячейкалари, КЛ-2 ва КЛ-3 учун) ускуналар етказиб берилди. |
| | чет эл банклари кредитлари | 733.94 | | 20.00 | 15.53 | 15.53 | | 100.0 | |
| 2 | «Мурунгов» конини ўзлаштириш (V навбати) 1-босқич лойиҳасига оид sanoat объектларини электр энергияси билан таъминлаш | 113.75 | 2018-2025йй. | 10.40 | 7.70 | 7.70 | | 100.0 | Лойиҳанинг ТИҲси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 майдаги №331-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3465-сон қарори асосида бош пудратчи "Уэлектроаппарат-электрошит" АЖ билан шартнома тузилган. "Мурунгов" конининг V-навбати чегараларида тоғ-кон ишларининг жадаллик билан ривожланиши муносабати билан "ГПП-1" нимстанцияси ва 110 кВ ҳаво линиялари трассаларининг сўнги жойлашувини аниқлаштириш (объектларни қуриш учун жой танлаш далолатномаси расмийлаштирилди), ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш, муҳандислик-геологик ва топографик-геодезия тадқиқот ишлари якунланди. Бугунги кунда "ГПП-1" нимстанциясининг 110 кВ ҳаво линиялари трассасида ва 35 кВ ҳаво линиясида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. |
| | чет эл банклари кредитлари | 113.75 | | 10.40 | 7.70 | 7.70 | | 100.0 | |
| 3 | "Зармитан" конининг қуйи горизонтларини ўзлаштириш (0.00м. гор.гача) | 235.57 | 2017-2025йй. | 34.70 | 20.78 | 20.80 | 0.02 | 100.1 | Лойиҳанинг ТИА Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 14 февралда №127-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗҚБ. Чехия Республикаси «Mine Construction Alliance s.r.o.» корхонаси билан "Скиповой" шахта қурилиши ва «Бош» шахта стволини чуқурлаштириш ҳамда стволларни жиҳозлашга тендер асосида пудрат шартномалари имзоланган. Қурилиш ҳолати: 1. "Чармитан" конида 2024 йил бошидан бугунги кунгача жами: Марказий қисмининг +420 м сатҳни очиш бўйича 1055 п.м., Шарқий қисмининг +480 м ва +420 м сатҳларини очиш бўйича 881 п.м. қия ва горизонтал кон капитал лаҳимлари қазиб ўтилди. 2. "Скипли" вертикал шахта стволни бўйича қурилиш бошланганидан буён 1000 п.м. ствол қазиб ўтирилиб, мустаҳкамланди. Жорий йил бошидан бугунги кунгача пудратчи томонидан +480м ва +420м сатҳларда ствол олди ҳовлисини жами 399 п.м. ўтилди. Стволни армировкалаш ишлари ер сатҳидан (+930.0 метрдан) -27,5 метргача 958 метрга 376 комплект яруслар ўрнатилди. Сатҳ +270.0 ва +240.0 метрларга доимий ускуналар ствол орқали туширилди. 3. "Асосий" вертикал шахта стволини чуқурлаштириш: I ва II босқич вертикал шахта стволини чуқурлаштириш +525 м сатҳдан -10,0 м сатҳгача тушиш жами - 535 п.м. ўтирилиб тугалланди. Жорий йил бошидан бугунги кунгача стволда +300 м ва 0,00 м сатҳларда 900 п.м. ствол олди ҳовлилари (околоствольный двор) ҳамда горизонтал ва қия лаҳимлар ҳам ўтилди. Жорий йилда 1,4 млн.долларлик ускуналар "Скипли" стволни учун харид қилинди. 4. "Кўр" вертикал шахта стволни бўйича +600 м горизонтдан -10 м горизонтгача лойиҳага ососан 610 п.м. қазиб ўтирилиб, мустаҳкамланиши кўрсатилган. Лойиҳани амалга ошириш муддати 45 ойни ташкил қилади. Шартнома киймати, яъни 45,3 млн доллардан 2023 йилнинг октябрь ойида 13,7 млн доллар ёки 30% аванс сифатида пудратчига тўлаб берилди. Бугунги кунда қурилиш ишларини бошлаш учун дастлабки ишчи лойиҳалар ишлаб чиқилган, керакли ер ости техника ва ускуналар олиб келинмоқда. Жорий йил бошидан бугунги кунгача сатҳ +600 метрда 235 п.м. ствол олди ҳовлиси (околоствольный двор) ҳамда 226 п.м. лебдалар камерасига кирувчи вақтинчалик лаҳим ва 43 п.м. вақтинчалик тоғ жинсини тозалаш камераси қазиб ўтилди. Лойиҳа доирасида 8 дона Вогонетка 2,2 м ² , сигим 96 м ² , Скипли ствол учун ускуна, Маиший бино ва ошхона ускуналари, 8 дона - Электровоз 7КРМ/КА 600 етказиб берилди. |
| | чет эл банклари кредитлари | 235.57 | | 34.70 | 20.78 | 20.80 | 0.02 | 100.1 | |

| № | Лойиха ташаббускорлари ва лойиха номи | Лойиханинг умумий қиймати | Амалга ошириш муддати | 2024 йил ўзлаштириш прогнози | 2024 йил январь-сентябрь ўзлаштириш | | | | Лойиха ҳолати |
|---|--|---------------------------|-----------------------|------------------------------|-------------------------------------|----------|-------|--------------|---|
| | | | | | прогноз | кутилиши | (+/-) | бажарилиши % | |
| 4 | “Пистали” қонида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш (6-ГМЗ) (инфратузилма объектлари) | 274.67 | 2021-2024йй. | 96.20 | 96.20 | 96.20 | | 100.0 | Лойиханинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги №569 - сонли қарори билан тасдиқланган. Ҳозирги кунда: Қайта ишлаш мажмуаси бино ва иншоотлари расмийлаштирилган ишчи хайъат далолатномалари асосида фойдаланишга топширилди ва тўлиқ ишга туширилди. 6-сон ГМЗ тўлиқ лойиха қуввагида ишламоқда. Ёрдамчи инфраструктура объектларида: ёқилги қуйиш шохобчаси, портловчи моддалар омбори, кон лабораторияси, кон ошхонаси, кон маъший ва мамыурий биноси, ўт ўчириш депоси, вахта шахарчаси бино ва иншоотлари ва чиқинди омбори (хвостохранилище) 1-2-босқичи расмийлаштирилган ишчи хайъат далолатномалари асосида фойдаланишга топширилди. Кон майдонидаги гараж, кон ускуналарини таъмирлаш устaxonасида бино ва иншоотлари ва чиқинди омбори (хвостохранилище) 3-босқичи қурилиш ишлари якунланмоқда, ишчи хайъат далолатномалари расмийлаштирилмоқда. Лойиха доирасида 2 дона гидравлик экскаватор 12 м3, 1 дона фронтал юклагич, электротехник, механик, юк кўтариш механизмлари, вентиляция ускуналари ва бошқа ёрдамчи ускуналар етказиб берилди. |
| | чет эл банклари кредитлари | 274.67 | | 96.20 | 96.20 | 96.20 | | 100.0 | Жорий йилнинг белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан маблағлар иқтисод қилиниши кутилмоқда. |
| 5 | Кокпатас ва Даугизтау олтин конларида маъдан қазиб олиш 3-босқич | 319.84 | 2024-2026йй. | 41.50 | 23.52 | 24.66 | 1.14 | 104.8 | Лойиха ТИАси "НКМК" АЖ Марказий лойихалаш бюроси томонидан ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги "Лойихалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКнинг ижобий хулосаси қўтилмоқда. Лойихани тасдиқлаш учун Ҳукумат қарори лойихаси ишлаб чиқилди ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан келишиш жараёнида. Кокпатас ва Даугизтау олтин конларида маъдан қазиб олиш 3-босқич ТИА лойихасини амалга ошириш доирасида 3-ГМЗнинг 7-тегирмон блокни қуриш ишчи лойиха ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва шахарсозлик экспертиза хулосаси олинди. 1 дона ММС 70x23 ва 1 дона МЩЦ 45x60 тегирмонлар "НКМК" АЖ таркибидagi "Навой машинасозлик заводи" ИЧБда ишлаб чиқилди ва 3-ГМЗнинг 7 ва 8-тегирмон блокларида ўрнатилди ва ушбу блокларда қурилиш-монтаж ишлари якунланди, ишчи хайъат далолатномалари расмийлаштирилмоқда. Лойиха доирасида 2 дона тегирмон, электротехник, механик ва бошқа ёрдамчи ускуналар етказиб берилди. |
| | чет эл банклари кредитлари | 319.84 | | 41.50 | 23.52 | 24.66 | 1.14 | 104.8 | |
| 6 | Амударё-Зарафшон сув қувурининг 3-линиясини қуриш ва насос станцияларини реконструкция қилиш | 127.50 | 2018-2024йй. | 15.00 | 12.50 | 12.50 | | 100.0 | Лойиханинг ТИХси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июндаги №472-16-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗҚБ. Лойиха бўйича Ø1220 мм бўлган 157,3 км сув қувури ётқишиш кўзда тутилган бўлиб, 134,1 км қисми фойдаланишга топширилган. КП-12 ва КП-13 оралиғи 10000 п/м қувурлар ўрнатилган ва қурилиш-монтаж ишлари тугатилган. Ишчи-хайъат далолатномаси расмийлаштирилган ва фойдаланишга топширилган. 4-сонли НСнинг реконструкция ишларида қўшимча бино темир-бетон фундаментлари, девор ва том қисми колонна ва балкалари монтажи ҳамда "Сендвич" панелли қопламалар монтажи ишлари амалга оширилган бўлиб, ҳозирда темир-бетон латоклар ва бино ички моноклит бетон қўйма (стяжка)лари монтажи якунланди. Ҳозирда лойихада кўзда тутилган ускуналар босқичма-босқич келтирилиб, монтаж қилинмоқда. КП-43 ва КП-44 оралиғида 11200 метр Ø1220 мм қувурлар пайвандлаш-монтаж ишлари якунланди ва 25 дона қудуқлар ўрнатилди. Ишчи хайъат далолатномаси расмийлаштирилган ва фойдаланишга топширилган. КП-23 ва КП-24 оралиғида умумий узунлиги 11 500 м бўлган Ø1220 мм пўлат қувурларнинг пайвандлаш ишлари амалга оширилиб, ҳозирда ушбу КП оралиқларида 6700 м масофада кўмиш ишлари бажарилган. 16 дона қудуқлар ўрнатилмоқда. КП-24 дан НС-3 гача бўлган оралиқда 11700 м бўлган Ø1220 мм пўлат қувурларнинг пайвандлаш ишлари бошланган ва 5800 м пўлат қувурлар пайвандлаш ишлари амалга оширилган. 2-сонли НСнинг реконструкция ишлари бошланиб темир-бетон фундаментлари, девор ва том қисми колонна ва балкалари монтажи ҳамда "Сендвич" панелли қопламалар монтажи ишлари амалга оширилган бўлиб, темир-бетон латоклар ва бино ички моноклит бетон қўйма (стяжка)лари монтажи якунига етказилмоқда. Ҳозирда лойихада кўзда тутилган ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. |
| | чет эл банклари кредитлари | 127.50 | | 15.00 | 12.50 | 12.50 | | 100.0 | |
| 7 | Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш | 609.30 | 2020-2030йй. | 230.22 | 229.20 | 229.20 | | 100.0 | Ишчи лойихалар ишлаб чиқилган ва давлат экспертизасининг ижобий хулосаларига эга. Ушбу лойихада амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини меъёрда сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш қувватларини технологик қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. Лойиха доирасида 42 дона 60 тн. юк кўтарувчи думпкарлар, 2 дона гидравлик экскаватор 6м ³ , 22 дона 105 тн юк кўтарувчи вагон-самосвал, 1 дона кран манипулятор 5тн., электротехник, юк кўтарувчи кран механизмлар ва бошқа ёрдамчи ускуналар етказиб берилди. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. |
| | чет эл банклари кредитлари | 609.30 | | 230.22 | 229.20 | 229.20 | | 100.0 | |
| 8 | Ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб қолиш. I-босқич | 247.02 | 2023-2026йй. | 30.00 | 30.00 | 30.00 | | 100.0 | Лойиханинг ТИХК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 августдаги №408/10-сонли қарори билан тасдиқланган. Мазкур инвестиция лойихасини амалга оширилишининг мақсади ва вазифалари "НКМК" АЖнинг эскирган технологик ускуналар, тоғ-кон компрессорлар ва қурилиш механизмларини босқичма-босқич замонавий технологик талабларга жавоб берадиган ва энергия тежамкор механизм ва техникаларга алмаштириш. Лойиха доирасида 2024-2025 йиллар учун мўлжалланган (керакли) ускуналар ва техникалар учун қиймати 74,2 млн.долларлик шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар бўйича 42,6 млн.долл тўловлар амалга оширилган. Айтиш мумкин 1 дона экскаватор Хитой давлатидан темир йўл транспорти орқали етказилиши кутилмоқда, 2 дона экскаватор ишлаб чиқариш жараёнида. Шунингдек, 5 дона юк кўтариш имконияти 90 тонна бўлган кон автосамосваллари ишлаб чиқарилган ва Бельгиянинг Антверпен портдан Эстония давлатига жўнатилди. Лойиха доирасида 2 дона қиймати 3,6 млн.долл. бўлган занжирли бульдозерлар ва 9 дона қиймати 14,4 млн.долл. бўлган юк кўтариш имконияти 90 тонна бўлган кон автосамосваллар, 1 дона қиймати 0,08 млн.долл. бўлган ТВЧ тобловчи ускунаси етказиб берилди. Имзоланган шартномалар бўйича етказиб берилган ускуна ва техникалар босқичма – босқич ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. |
| | чет эл банклари кредитлари | 247.02 | | 30.00 | 30.00 | 30.00 | | 100.0 | |

| № | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи | Лойиҳанинг умумий қиймати | Амалга ошириш муддати | 2024 йил ўзлаштириш прогнози | 2024 йил январь-сентябрь ўзлаштириш | | | | Лойиҳа ҳолати |
|----|--|---------------------------|-----------------------|------------------------------|-------------------------------------|----------|-------|--------------|---|
| | | | | | прогноз | кутилиши | (+/-) | бажарилиши % | |
| 9 | 2-ГМЗ ва 7-ГМЗ чиқиндиларини биргалликда сақлаш учун 2-ГМЗ чиқинди омборини кенгайтириш ва реконструкция қилиш | 134.38 | 2024-2032йй. | 5.60 | 3.10 | 3.11 | 0.01 | 100.3 | Лойиҳа ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 майдаги 310/6-сонли қарори билан тасдиқланган. ТИА доирасида ишчи ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. 1-чиқинди омбори 7-хаританинг 413.00 баландликка кўтариш бўйича ишчи ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда 7-хаританинг 413.00м баландликка кўтариш бўйича ер ишлари Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан амалга оширилмоқда. Режа-жадвал асосида ер ишлари бажарилиши жорий йилнинг октябрь ойи якунига қадар кўзда тутилган. |
| | чет эл банклари кредитлари | 134.38 | | 5.60 | 3.10 | 3.11 | 0.01 | 100.3 | |
| 10 | Қурилиш сметаларига кирмайдиган асбоб-ускуналар | 263.64 | 2024-2025йй. | 144.18 | 144.18 | 144.18 | | 100.0 | Лойиҳани амалга ошириш доирасида 10 дона юк кўтариш имконияти 240-260 тонна бўлган кон автосамосвалларини харид қилиш кўзда тутилган. Кон автосамосвалларини харид этиш тўғрисида 2023 йил 28 декабрда №К1009191-сонли шартнома расмийлаштирилган. 10 дона юк кўтариш имконияти 254 тонна бўлган кон автосамосваллари етказиб берилди. Шунингдек, 2 дона юк кўтариш имконияти 220 тонна бўлган кон автосамосваллари етказиб берилди. Яна 13 дона юк кўтариш имконияти 220 тонна бўлган кон автосамосваллари Европа давлатлари ҳудудида йўлда. |
| | чет эл банклари кредитлари | 263.64 | | 144.18 | 144.18 | 144.18 | | 100.0 | |
| 11 | Навоий вилояти Томди туманидаги НКМК sanoat объектлари учун қуёш фотоэлектр станциясини қуриш * | 264.00 | 2024-2025йй. | 60.40 | 29.60 | 29.60 | | 100.0 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 майдаги ПҚ-144-сонли "Республика ҳудудларида умумий қуввати 2000 МВт гача бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида ФЭС қурилишини "NAVOI SOLAR POWER ENERGY" МЧЖ томонидан амалга ошириш бошланди. "NAVOI SOLAR POWER ENERGY" МЧЖ 500 МВт қувватга эга фотоэлектр станциясини қурилишини амалга оширади. Лойиҳани амалга ошириш учун "NAVOI SOLAR POWER ENERGY" МЧЖ (бўртмачи) билан "CHINA ENERGY ENGINEERING GROUP NORTHEAST NO.3 ELECTRIC POWER CONSTRUCTION CO., LTD" (пудратчи) ўртасида ЕРС шартномаси №HSPE-CEEC-ЕПС-01-2024-сонли шартнома тузилган. Лойиҳа инвестори "TERPELEN GROUP HOLDING LIMITED" томонидан берилган маълумотга асосан лойиҳанинг дастлабки қиймати 450,0 млн.долларни ташкил этган бўлиб, дунё бозорига қуёш панелларининг нархи тушганлиги сабабли бутунги кунда лойиҳанинг қувватлари (500 МВт) ўзгармаган ҳолда қутилаётган қиймати 264,0 млн.долларни ташкил қилмоқда. Қурилиш ҳолати: I босқич. 623 га ер танлаб олинган, қурилиш майдонида вақтинчалик бино-иншоотлар (ётоқхона, ошхона) қуриб битказилган. Қурилиш майдонининг тўсиқлари қуриб бажарилмоқда. Ҳозирги кунда қуйидаги ишлар бажарилмоқда. Қурилиш майдонига бўлган йўл тайёрлаш ишлари якунланди, 500 кишига мўлжалланган иш юритиш контейнерларини ўрнатиш, 115 м2 майдонда овқатланиш учун айвон ва 52 м2 майдонда озик-овқат махсулотларини сақлаш учун омборхона қурилди, ётоқхона палаткалари ўрнатилди, қурилиш майдони электр таъминоти учун "Л-119-Х-Газопровод" электр тармоғидан 6кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоғи қурилди, ер майдони бўйича лойиҳа-тадқиқот ишлари якунланди, қуёш панелларини ўрнатиш бўйича лойиҳалаш ишлари Хитой Халқ Республикасининг China Energy Engineering Corporation (CEEC) лойиҳа ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда, 220кВ кучланишли очик электр тақсимлаш қурилмасини лойиҳалаштириш ишлари "Abrest Energy Engineering" МЧЖ (Ўзбекистан) томонидан амалга оширилмоқда. 220 МВтли қуёш фотоэлектр станциясининг 110 МВт қуввати жорий йил октябрь ойида, 110 МВт қуввати декабрь ойида ишга туширилиши кутилмоқда (йил якунига қадар). II босқич. 280 МВт ФЭС қувват схемасини "ABREST Energy Engineering" МЧЖ томонидан ишлаб чиқилмоқда. Қурилиш учун ер ости қазилмалари мавжуд бўлмаган, сугорилмайдиган ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони танлаб олинган ва ерни олиш учун ҳокимиятга мурожаат қилинган. Лойиҳа Хитой Халқ Республикасининг "China Energy Engineering Corporation (CEEC)" ташкилоти томонидан амалга оширилмоқда. "TERPELEN GROUP HOLDING LIMITED" (BAA) компанияси томонидан ФЭС қурилиши иккинчи босқичини 280 МВт қуввати 2024 йил декабрда бошлаб, 2025 йилнинг декабрь ойида ягона электр тармоғига уланади. |
| | чет эл банклари кредитлари | 264.00 | | 60.40 | 29.60 | 29.60 | | 100.0 | |

*) "Навоий вилоятини Томди туманидаги НКМК sanoat объектлари учун қуёш фотоэлектр станциясини қуриш" лойиҳаси статистика ҳисоботи 12-invest shakli "Инвестиция фаолияти тўғрисидаги ҳисобот"ида акс эттирилмаган.

Бош директорнинг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари

Ф.Бахронов